



МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР ҲИСОБИНИ ЁРИТИБ БЕРИШНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА АСОСАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холпўлотов Рустам Ўктамович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0003-6662-1715

Аннотация. Мақолада 7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш” стандартига мувофиқ, молиявий инструментлар ҳисобини маълумотларни ёритиб беришнинг моҳияти, мақсади, вазифаси ва қўлланиш жиҳатлари очиқ берилган. Жаҳонда сўнги йилларда молия бозорларида молиявий инструментлар хилма-хиллиги ва динамикаси мураккаблиги кескин ошиб бормоқда. Бу эса, молиявий инструментлар рискин оширилишига хизмат қилмоқда. Мақолада молиявий инструментлар ҳисобининг риск турлари ва уларни ёритиб бериш тартиби очиқ берилган. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини тизимида молиявий инструментлар мавзуси энг қийин деб ҳисобланади. Молиявий инструментлар ҳисоби маълумотларини ёритиб бериш кўп билим ва малака талаб қилади. 7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш” стандарти маълумотни тўғри ошкор қилиш фандан кўра кўпроқ санъатдир.

Калит сўзлар: молиявий инструментлар, молиявий актив, молиявий мажбурият, улушли восита, қарзли восита, заём, хусусий капитал, риск, кредит рисқи, ликвидлилик рисқи, бозор рисқи.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Холполотов Рустам Октамович

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В соответствии со стандартом «Финансовые инструменты: раскрытие информации» № 7 в статье описаны сущность, цель, функции и аспекты применения раскрытия учета финансовых инструментов. В последние годы в мире резко возрастает разнообразие финансовых инструментов и сложность их динамики на финансовых рынках. Это служит повышению риска финансовых инструментов. В статье описаны виды рисков учета финансовых инструментов и порядок их пояснения. В системе международных стандартов финансовой отчетности тема финансовых инструментов считается самой сложной. Учетная информация по финансовым инструментам требует большого количества знаний и навыков. МСФО (IFRS) 7 «Финансовые инструменты: раскрытие информации» Правильное раскрытие информации – это скорее искусство, чем наука.

Ключевые слова: финансовые инструменты, финансовый актив, финансовое обязательство, долевого инструмент, долгового инструмент, облигация, частный капитал, риск, кредитный риск, риск ликвидности, рыночный риск.

IMPROVING THE ACCOUNTING OF FINANCIAL INSTRUMENTS BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

Xolpulotov Rustam Oktamovich
Tashkent State Economic University

Annotation. *In accordance with the "Financial Instruments: Information Disclosure" standard No. 7, the article describes the essence, purpose, functions and application aspects of financial instrument accounting disclosure. In recent years, the variety of financial instruments and the complexity of their dynamics in financial markets have sharply increased in the world. This serves to increase the risk of financial instruments. The article describes the types of risks in accounting for financial instruments and the procedure for explaining them. In the system of international financial reporting standards, the topic of financial instruments is considered the most complex. Accounting information for financial instruments requires a large amount of knowledge and skills. IFRS 7 Financial Instruments: Disclosures Good disclosure is more of an art than a science.*

Key words: *financial instruments, financial asset, financial liability, equity instrument, debt instrument, bond, private equity, risk, credit risk, liquidity risk, market risk.*

Кириш.

Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли қарорида (Қарор, 2020) молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш, хорижий инвесторларни ишончли маълумотлар билан таъминлаш, халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Хорижий инвесторларни зарур маълумотлар билан таъминлашда 7-сон МҲҲС "Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш" стандартига мувофиқ, молиявий инструментлар ҳақида батафсил тушунча ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ (МҲҲС, 7).

Чунки корхонанинг молиявий инструментлар ҳолати ундаги ўзгаришлар, улардан кутилаётган риск тўғрисида маълумотларни ёритиб бериш инвестор учун қарор қабул қилишда муҳим омил ҳисобланади. Шу жиҳатдан, хорижий инвесторларни қарор қабул қилишида молиявий инструментлар маълумотларни ёритиб бериш ўта долзарб мавзу ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Молиявий инструментлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ёритиб беришни ўрганиш жараёнида, хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларини ўргандик. Шунга амин бўлдики авваламбор молиявий инструмент нима эканлигига тушунча ҳосил қилиш муҳим ҳисобланар экан. Молиявий инструментларга хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларда тариф беришган. Улар жумласига, Милова (2008) ўтказилган тадқиқотлар асосида Молиявий инструментга қуйидаги таърифи таклиф этган "Молиявий инструмент битим тарафлари ўртасида молиявий актив ва молиявий мажбурият (капитал восита) бир вақтнинг ўзида пайдо бўлишига олиб келадиган шартнома муносабатлари" деб таъриф келтиришган.

Астахова (2013) ўзининг илмий ишида "Молиявий инструментлар бу битимнинг бир иштирокчиси учун молиявий активнинг пайдо бўлишига олиб келадиган молиявий рисклар билан бирга келадиган маблағлар ва молиявий шартномаларни бирлаштирган бухгалтерия тоифаси ва бошқаси учун молиявий мажбуриятлар ёки капитал воситаси" деб тариф берган.

Татарко (2010) фикрича "Молиявий инструментларнинг аналитик ҳисобининг тизимли регистрларини юритиш, бизнинг фикримизча, ушбу тоифадаги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий инструментлар турлари контекстида ташкил этилиши керак. Юқоридагилардан келиб чиқиб, "Қимматли қоғозлар" счёти бўйича аналитик бухгалтерия ҳисоби, "Бошқа молиявий активлар" счёти бўйича аналитик бухгалтерия ҳисоби ва "Ҳосилавий молиявий инструментлар" счёти бўйича аналитик ҳисобни юритиш таклиф этилган".

Скляр (2005) ўзининг илмий ишида молиявий инвестицияга шундай таклиф киритган "Молиявий инвестициялар - иқтисодий самара олиш учун капитални молиявий активларга қўйиш".

Ковалёвнинг (1995) фикрича "Молиявий таҳлил: капитални бошқариш. Инвестициялар танлаш. Ҳисобот таҳлили", унда қуйидаги таъриф берилган: "Энг умумий шаклда улар (молиявий инструментлар) қисқа муддатли ва узоқ муддатли инвестицияларнинг турли шакллари ўз ичига олади, улар билан савдо молия бозорларида амалга оширилади: акциядорлик ва қарз қимматли қоғозлари, депозитар тилхатлари, опционлар, варрантлар, форвард шартномалари, фьючерслар ва своплар".

Фелдман (2003) "Молиявий маҳсулот" ва "Молиявий инструмент" тушунчалприга қуйидагича тариф берган "Молиявий маҳсулот деганда бозор иштирокчилари ўртасида тегишли талаб ва таклифни келтириб чиқарадиган маълум бир истеъмол қийматини тушуниш таклиф этилади. Молиявий маҳсулотлар бозор иштирокчиларининг ўзаро таъсири натижасида уларга ҳуқуқий шакллар бериб, бозор айланмасида иштирок этувчи аниқ молиявий инструментлар шаклида ўз ифодасини топади".

Тадқиқот методологияси.

Мақолада таққослаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, гуруҳлаш ва бошқа таҳлил усуллари кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

БҲХС (IAS) 30-сон "Банклар ва шунга ўхшаш молиявий институтларнинг молиявий ҳисоботларида маълумотларни ошкор қилиш" стандарти 2005 йилда МҲХС (IFRS) 7-сон "Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш" (МҲХС, 7) номли стандарт остида янгидан нашр этилган.

7-сон (IFRS) МҲХС ўз балансида молиявий инструментларга эга бўлган барча юридик шахслар учун ошкор қилиш талабини белгилайди.

Мазкур МҲХСнинг мақсади фойдаланувчиларга корхоналар томонидан уларнинг молиявий ҳисоботида ёритиб бериладиган қуйидагиларни баҳолаш имконини берувчи маълумотларни таъминлаш бўйича талабларни ўрнатишдан иборат:


-корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига молиявий инструментларнинг таъсири қанчалик муҳим эканлиги;

-корхона ҳисобот даври мобайнида ва охирида дуч келган ва молиявий инструментлардан юзага келадиган рискларнинг хусусияти ва даражасини ҳамда корхона ушбу рискларни қандай қилиб бошқаришини (МҲХС, 7).

Ушбу МҲХСдаги тамойиллар 32-БҲХС "Молиявий инструментлар: тақдим этиш" (МҲХС, 32) ва 9-МҲХС "Молиявий инструментлар" (МҲХС, 9) даги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш ва тақдим этиш бўйича тамойилларни тўлдиради.

Мазкур МҲХСда молиявий инструментларнинг синфлари бўйича маълумотларни ёритиб бериш талаб этилганда, корхона молиявий инструментларни ёритиб бериладиган маълумотнинг хусусиятига хос бўлган ва мазкур молиявий инструментларнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган синфларни гуруҳлаши лозим. Корхона молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс этириладиган моддаларнинг солиштирмасини шакллантириш учун етарли бўлган маълумотларни таъминлаши лозим (МҲХС, 7).

Корхона молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар молиявий инструментларнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига таъсири қанчалик аҳамиятли эканини баҳолаш имконини берадиган маълумотларни ёритиб бериши лозим. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг тоифаларини кўриб чиқиш талаб этилади.



1-расм. 9-сон МҲХС бўйича молиявий инструментлар тоифаларининг ҳар бири бўйича уларнинг баланс қийматини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва унинг изоҳлар бўлимида акс этириш тартиби²⁵⁶

Шундай қилиб, корхонада кредитлар ва савдо дебиторлик қарзлари бўлса ҳам, молиявий ҳисобот изоҳ ва тушунтиришларни 7-сон МҲХСга биноан акс эттирилади.

7-сон МҲХСга мувофиқ, маълумотларни қандай ошкор қилиш талаб этилишини кўриб чиқадиган бўлсак. 7-сон МҲХС иккита асосий йўналиш бўйича қуйидаги тушунтиришлар мавжуд:


- Молиявий инструментларнинг муҳимлиги

Молиявий инструментлар рискнинг хусусияти ва даражаси, бу рискларни бошқариш усуллари.

Молиявий инструментларнинг муҳимлиги бўйича корxonанинг молиявий ҳолати ва фаолияти учун аҳамиятли ҳисобланади.


Улар молиявий ҳисоботларда акс этишига кўра бир нечта кичик гуруҳларга бўлинган. 9-сон МҲХС бўйича молиявий инструментлар тоифаларининг ҳар бири бўйича уларнинг баланс қийматини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ва унинг изоҳлар бўлимида акс эттириш тартибини қуйида кўриб чиқамиз (1-расм).

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда молиявий инструментлар тўғрисидаги маълумотлар асосан қуйидаги моддалар бўйича ёритиб берилиши керак (2-расм):



2-расм. Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган молиявий инструментлар тўғрисидаги маълумотларни иловаларда ёритиб берилиши²⁵⁷

Юқоридагилардан бошқа ёритиб бериладиган маълумотларни қуйидаги расмда кўрсатилганидек гуруҳларга ажратиш мумкун (3-расм).




3-расм. Бошқа ёритиб бериладиган маълумотлар²⁵⁸

²⁵⁷ муаллиф ишланмаси

²⁵⁸ муаллиф ишланмаси

Юқоридаги маълумотларнинг кўп қисмини ҳеч бўлмаганда молиявий инструмент тоифаси бўйича ошкор қилиш лозим.

7-сон МҲХС ўз ичига олмаган бир неча турдаги инструментлар мавжуд бўлиб улар қуйидаги расмда акс эттирилди(4-расм).




4-расм. 7-сон МҲХС ўз ичига олмаган бир неча турдаги инструментлар²⁵⁹

Молиявий инструментлар ҳисобини иловаларда очиб беришда рискнинг табиати ва даражаси ҳам муҳим ҳисобланади. Корхона молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга молиявий инструментлар бўйича юзага келадиган ва корхона давр охирида дуч келадиган рискларнинг хусусиятини ва даражасини баҳолашга имкон берадиган маълумотлар ҳисобга олинади.

Ёритиб беришнинг бу қисми жуда кўп меҳнат талаб қилади, чунки у қўшимча таҳлил ва ишларни, айниқса бозор рискларини ёритиб бериш талаб қилади.

7-сон МҲХСга асосан учта асосий риск учун сифат ва миқдорий ошкор қилишни талаб қилади (5-расм):



5-расм. 7-сон МҲХСга мувофиқ рискларни ёритиб бериш²⁶⁰

Ҳар бир риск тури учун қуйидагиларни амалга оширилади:

- **Сифат хусусиятига эга маълумотларни ёритиб бериш.** Бу эрда корхона қандай рискларга дучор бўлишини, рисклар қандай пайдо бўлишини ва корхона ушбу рискларни қандай бошқаришини ёритиб бериши лозим[8]

²⁵⁹ муаллиф ишланмаси

²⁶⁰ муаллиф ишланмаси

Молиявий инструментлардан юзага келадиган рискнинг ҳар бир тури бўйича, корхона қуйидаги бандларни ёритиб бериши талаб қилинади:

1-банд. Рискга мойиллик ва рисклар қандай қилиб пайдо бўлишини;

2-банд. Рискларни бошқариш мақсадлари, сиёсати ва жараёнларини ҳамда рискни баҳолаш учун қўлланган усуллар;

3-банд. Олдинги даврга нисбатан 1-банд ва 2-банд кичик бандлардаги ҳар қандай ўзгаришлар.

- **Миқдорий маълумотларни ёритиб бериш:** Бунда риск даражаси ҳақида миқдорий маълумотларнинг (рақамларнинг) қисқача мазмунини тақдим этишингиз керак. Бу эрда жуда кўп тафсилотлар мавжуд ва 7-сон МҲХСда ҳар бир риск тури учун аниқ миқдорни ёритиб беришни талаб қилади. Шунингдек, корхона риск контсентрацияси ҳақида маълумот бериши керак.

Кредит rischi бу сизнинг молиявий активларингиз билан боғлиқ ва оддий қилиб айтганда, контрагент ўз мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли молиявий йуқотиш rischi.

Агар корхонада савдо дебиторлик қарзлари бўлса ёки кредит берсангиз, унда корхона кредит рискига дуч келасиз ва сиз стандартнинг ушбу қисмига этибор қаратиши керак.

7-сон МҲХСга асосан корхона қуйидагиларни ошкор қилиши керак:

-кредит riskини бошқариш усулларини;

-кредитда кутилаётган зарарлар билан боғлиқ суммалар тўғрисида маълумотларини;

-кредит рискига мойилик даражасини;

-кредит riskини камайтирадиган гаров ва бошқа кредит қўшимчалари ёритиб бериши.

Тижорат дебиторлик қарзлари учун кредит рискнинг миқдорий маълумотлари қандай ёритиб бериш мумкинлиги қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал

Савдо дебиторлик қарзларидан шубҳали дебиторлик қарзлар миқдорини ҳисоблаш ва ёритиб бериш тартиби²⁶¹

Сегмент	Савдо дебиторлик қарзлар муддати бўйича				Жами
	30 кунгача бўлган	60 кунгача бўлган	90 кунгача бўлган	90 кундан ошган	
Улгурэси миқозлар					
Кутилаётган риск коэффиценти	0,05%	1,5%	6%	15%	
Савдо дебиторлик қарзларини қиймати	53 400	3 700	240	480	58 820
Муддати бўйича шубҳали дебиторлик қарз миқдори	27	56	74	72	229
Чакана миқозлар					
Кутилаётган риск коэффиценти	0,15%	3,5%	9%	20,00%	
Савдо дебиторлик қарзларини қиймати	62 800	5 900	2 700	1500	72 900
Муддати бўйича шубҳали дебиторлик қарз миқдори	94	207	243	300	844

Ликвидлик riskини ёритиб беришни кўриб чиқар эканмиз авваламбор ликвидлик riskи нима эканлигига тўхталсак.

²⁶¹ муаллиф ишланмаси

Ликвидлик rischi бу корхонанинг молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ бўлиб, кредит рискларининг тескариси ҳисобланади. Бу корхона ўз молиявий мажбуриятларини нақд пул ёки бошқа молиявий активлар билан бажара олмаслиги rischi.

7-сон МҲХСда асосан ликвидлик rischiда қуйидагиларни ёритиб бериш лозим:

-молиявий мажбуриятларни тўлаш муддатини ёритиб бериш (ҳосилавий бўлмаган ва ҳосилавий молиявий рисклар учун алоҳида);

-ликвидлик riskини қандай бошқаришни ёритиб бериш.

Қуйидаги жадвалда ликвидлик riskининг миқдорий маълумотлари ёритиб бериш келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий мажбуриятларни тўлаш муддатлари бўйича ёритиб бериш²⁶²

Сегмент	Молиявий мажбуриятларни тўлаш муддатлари			
	1 йилгача бўлган	1 йилдан 5 йилгача бўлган	5 йилдан кўп бўлган	Жами
Банк кредитлари	3 830	2 570	1200	7 600
Таъминотчилар билан ҳисоб-китоб	33 200	1600	0	34 800
Ҳосил бўлган молиявий мажбуриятлар	8 700	3 670	2 900	15 270
Бошқа молиявий мажбуриятлар	2 500	800	0	3 300
Жами	48 230	8 640	4 100	60 970

Бозор riskини ёритиб бериш энг муҳим riskни ёритиб бериш ҳисобланади.

Бозор rischi - бу сизнинг молиявий активларингиз ёки молиявий мажбуриятларингизнинг ҳаққоний қиймати ва келажақдаги пул оқимлари ўртасидаги бозор нархларининг ўзгариши билан ўзгариш riskидир.

Бозор riskи келажақдаги пул оқимлари ёки ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларга нима сабаб бўлиши билан боғлиқ бир нечта таркибий қисмларга эга:

-**Валюта курс rischi.** Валюта курс riskи пул оқимлари ёки ҳаққоний қийматнинг ўзгаришига олиб келади;

-**Фоиз ставкаларининг ўзгариши rischi** ("фоиз ставкаси rischi"). Пул оқимларининг ўзгариши фоиз ставкаларининг ўзгариши натижасида юзага келади;

- **Бошқа нарх rischi.** Тебранишлар бошқа бозор нархларининг ўзгариши натижасида юзага келади, масалан, товарлар баҳоси, акциялар баҳоси ва бошқалар.

Бозор riskини ошқор қилиш жуда мураккаб ва ҳаракат талаб қилади. Чунки корхона сезгирлик таҳлили ўтказилиши керак.

Сезувчанликни таҳлил қилишнинг икки тури мавжуд бўлиб корхона ўзининг вазиятига мос келадиганини танлаши керак:

-**"Асосий" сезувчанлик таҳлили.** Бунда корхона маълум бир ўзгарувчининг (фоиз ставкаси, валюта курси ва бошқалар) ўзгаришларини моделлаштириши керак. Бу ўзгаришлар фойда ёки зарар ва капиталга қандай таъсир қилишини кўрсатиши лозим.

-**Риск миқдорни таҳлил қилиш.** Бунда корхона ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиб ёритиб беради. Масалан, фоиз ставкалари ва валюта курслари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиб ёритиб беради керак.

Юқоридаги қоидалардан кўриниб турибдики, 7-сон МҲХС муҳим миқдордаги маълумотларни ёритиб беришни талаб қилади.

Агар корхона ахборотлари фойдаланувчилар учун фойдали маълумотлар бўлишини истаса, қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

²⁶² муаллиф ишланмаси

-Молиявий инструментлар синфларига (масалан, кредит рисқи ёки ликвидлик рисқини ошқор қилиш) қўра бир нечта ёритиб беришларни талаб этади.

Синфлар молиявий инструментлар тоифалари билан бир хил эмас ва бу эрда корхона молиявий инструментларини ҳисобот берувчи фойдаланувчиларга нима мос келиши ҳақидаги фикрига қўра синфларга гуруҳлашингиз керак. Бундан ташқари, корхона турли хил рисклар учун бир хил синфлардан фойдаланмаслиги керак.

-Ёритиб беришларни бирлаштириш мумкин. Битта ёритиб бериш бир нечта талабларни қондириши мумкин.

-Тафсилот даражаси ва муҳимлик ўртасидаги тўғри мувозанатни топиш лозим.

Барча тегишли маълумотларни киритганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Лекин унчалик муҳим бўлмаган тафсилотлар ҳақида ортиқча маълумотни кирит керак эмас. Акс ҳолда, фойдаланувчилар саросимага тушиб қолишига ва ёритиб бериш ҳеч қандай фойда келтирмаслиги мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Мавзуни ўрганиш натижасида шулар кўриндики, хорижий инвесторларни қарор қабул қилишда муҳим ҳисобланган молиявий инструментлар маълумотларни МҲХС асосида ёритиш беришни таъминлашда нималарга этибор бериш керак эканлигига қўйидаги хулосаларга эришилди:

1.Молиявий инструментларнинг муҳим белгиларига мувофиқ таснифини ишлаб чиқиш зарур.

2.Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий инструментлар маълумотларни ёритиб бериш ёндашувларни умумлаштириш ва хусусиятларни аниқлаш лозим.

3.Молиявий инструментларни маълумотларни ёритиб беришда миллий стандарт мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда 25 сонли “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб” БҲМСни ишлаб чиқиш зарур.

4.Амалдаги қонунчилик асосида молиявий инструментларни маълумотларни ёритиб бериш схемасини таклиф қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Мавзуни ўрганиш натижасида қўйидаги таклифларга эришилди:

1.Савдо дебиторлик қарзларидан шубҳали дебиторлик қарзлар миқдорини ҳисоблаш тартиби ва ёритиб беришда учун қўйидаги жадвалдан фойдаланишни таклиф этамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Савдо дебиторлик қарзларидан шубҳали дебиторлик қарзлар миқдорини ҳисоблаш ва ёритиб бериш тартиби²⁶³

Сегмент	Савдо дебиторлик қарзлар муддати бўйича			
	Мудати ўтмаган	30 кундан 90 кунгача бўлган	90 кундан ошган	Жами
Улғурғиси миқдорлар				
Кутилаётган риск коэффициенти				
Савдо дебиторлик қарзларини қиймати				
Муддати бўйича шубҳали дебиторлик қарз миқдори				
Чакана миқдорлар				
Кутилаётган риск коэффициенти				
Савдо дебиторлик қарзларини қиймати				
Муддати бўйича шубҳали дебиторлик қарз миқдори				

²⁶³ муаллиф ишланмаси

2.Юқоридаги 3-жадвалдаги қутилаётган кредит риск коэффиценти (%) аниқлшда Moody's, S&P ва Fitch Ratings агентликларнинг хизматидан фойдаланиш таклиф этамиз.

3.Қуйидаги жадвалда фойдаланиб молиявий мажбуриятларни тўлаш муддатлари бўйича ёритиб беришни таклиф этамиз (4-жадвал).

4-жадвал

Молиявий мажбуриятларни тўлаш муддатлари бўйича ёритиб бериш²⁶⁴

Молиявий мажбуриятларни тўлаш муддатлари						
Сегментлар	1 йилгача бўлган	1 йилдан 3 йилгача бўлган	3 йилдан 5 йилгача бўлган	5 йилдан 10 йилгача бўлган	10 йилдан кўп бўлган	Жами
Банк кредитлари						
Таъминотчилар билан ҳисоб-китоб						
Ҳосил бўлган молиявий мажбуриятлар						
Бошқа молиявий мажбуриятлар						
Жами						

Адабиётлар / Литература / Reference:

Астахова Ю.А. (2013) "Современные подходы к учету финансовых инструментов" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. <https://www.dissercat.com/content/sovremennye-podkhody-k-uchetu-finansovykh-instrumentov>

Ковалев В.В. (1995) «Финансовый анализ: Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности» - М.: Финансы и статистика.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.

Милова В.Е. (2008) "Учет финансовых инструментовтема" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. <https://www.dissercat.com/content/uchet-finansovykh-instrumentov>

МҲХС (IAS) 32 "Молиявий инструментлар: тан олиш" номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

МҲХС (IFRS) 7 "Молиявий инструментлар: ахборотни ошкор қилиш". тан олиш" номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

МҲХС (IFRS) 9 "Молиявий инструментлар" номли молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Скляров М.В. (2005) "Организация бухгалтерского учета финансовых инструментов в соответствии с российскими и международными стандартами" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. <https://www.dissercat.com/content/organizatsiya-bukhgalterskogo-ucheta-finansovykh-instrumentov-v-sootvetstvii-s-rossiiskimi-i>

Татарко Е.А. (2010) "Организация бухгалтерского учета финансовых инструментов на предприятии" тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12. 2010г. <https://www.dissercat.com/content/organizatsiya-bukhgalterskogo-ucheta-finansovykh-instrumentov-na-predpriyatii>

Фельдман А.Б., (2003) Производные финансовые и товарные инструменты. - М.:

²⁶⁴ муаллиф ишланмаси